

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА - КЕКСАЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ МАСАЛАСИ

Набижон Қахрамонович Ҳаққулов,

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти (СамДАҚИ), Самарқанд.

Мустақил тараққиёт йўлимизнинг ўтган йигирма беш йили давомида биз ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйганимиз -озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш борасида кенг бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдамиз. Бирор бир соҳа йўқки, бироз бўлсада эътибордан четда қолган бўлса. Ана шу мақсад йўлида маънавиятимизни юксалтиришга, ҳар бир инсон қалбида юксак маънавият, эзгулик ва бунёдкорлик хиссини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳар биримизнинг онгу – шууримизда маънавият юксаклиги қанчалик мустаҳкам бўлса, азал-азалдан аجدодларимиз учун ёт бўлган жоҳиллик, худбинлик, шафқатсизлик иллатлари биздан йироқ бўлади.

Мустақиллик маънавияти соғлом дунёқараш соҳиблари бўлган, ўз билими ва тафаккури кучига таянадиган, илм – маърифатга интилиб яшайдиган баркамол авлод тарбияси билан узвий боғлиқдир.

Айни шу маънода миллий маънавиятимизнинг тикланиши, миллий қадриятларимиз, анъана ва удумларимизнинг қайтадан дунёга юз тутиши учун кенг имкониятлар эшигини очиб берган мустақиллик ҳуқуқи ўзбек халқига ўз-ўзини англаши борасида муҳим қадам бўлди. Дарҳақиқат, биз миллат сифатида тарихан ўзлигимизга хос бўлган инсоний фазилатларимизни, самимиятимиз ва бағрикенглигимиз, ватанпарварлигимиз ва инсонпарварлигимиз, меҳмондўстлик ва тинчликпарварлигимизни намоён қилиб, дунёга танилдик. Бундай фазилатлар азал – азалдан шу юртда тотув ва ҳамжиҳат бўлиб яшаб келаётган турли миллат ва элатлар, диний эътиқодлар ўртасида мустаҳкам заминда шаклланган дўстлик, биродарлик, меҳр –оқибат, ўзаро ёрдам ришталари орқали бугунги кунда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Шу маънода бизга хос жамоавийлик фазилатлари эзгу мақсадларимиз билан боғланиб кетган.

Бугун биз мустақиллигимиз тенгдошлари бўлмиш янги бир авлодни тарбия қилиб, вояга етказдик. Қалбимизда тўла ишонч ва ғурур билан ана шу авлодга мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз шону-шавкатини янада ошириш вазифасини юкламоқдамиз. Ваҳоланки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва эришаётган ютуқларимизнинг ҳал қилувчи кучи биз ишонч билдираётган ёшларимиздир. Ҳақиқатда бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий юксаклигимиз сабаби ҳам Президентимиз сўзлари билан айтганда, “... мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни

учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздадир”¹

Дарҳақиқат, бугунги ёшларимиз миллий маънавиятимиз негизларини чуқур ўрганиб, тарихимизга ва келажагимизга ишонч билан қарамоқдалар.

Зеро, бизнинг тарихимиз-бу ўтмиш маданий меросимиз, аجدодлар қолдирган ёдгорликлар баробарида бугунги кунда биз билан ёнма-ён яшаб, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини ўз умрлари саҳифаларида намоён қилаётган, бизга сабоқ ва намуна бўлаётган нуроний кексаларимиз, устозларимиздир.

Кексаларга ҳурмат ва эътибор, уларни эъзозлаш ва қадрлаш – бу Шарқона удум, миллатимизга хос фазилатдир. Биз ҳамиша нуроний оталаримиз ва онахонларимиз ўғитлари, панду-насихатлари, ҳаёт ҳикматларидан сабоқ олиб, умр йўлимизга мазмун берамиз. Уларнинг ҳар бир насихати биз учун сабоқ, маънавий хазинадир. Сўзсиз, кексаларимиз ҳаёт тарзида, улардаги вазминлик, сермулоҳазалик, самимийлик, бағрикенглик, илм-маърифат ва фидойилик хислатларидан бизга хос инсонпарварлик, тинчликпарварлик, илм-маърифатга интилиш, меҳнатсеварлик, ғурур-ифтихор ва фидокорлик туйғулари илдиз отган.

Кексаларимиз биз учун тарихан шаклланган миллий маънавий қадриятларимиз кўзгусидир. Аجدодларимиздан мерос бўлиб келаётган қадимий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, удумларимиз ва маросимларимиз айти шу нуроний отахонларимиз ва онахонларимиз томонидан бизнинг онгимиз ва қалбимизга сингдирилиб, ҳаёт тарзимизга айланмоқда. Эътибор қилинг, биз қандай хайрли ишни бошламайлик, аввало ота-оналаримиз, кексаларимиз дуосини оламиз. Зеро уларнинг ҳар бир дуою-фотиҳасида ўзгача бир фойз-баракот бор. Қолаверса, ҳар бир дуосида, тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-омонлик тилаклари бизга ҳамроҳлик қилади. Уларнинг дуоси бир дунё ҳикмат. Ваҳоланки, тинчлик қадрини, соғлиқ қадрини, осайишталик ва омонлик қадрини уларчалик чуқур англаган, ҳаётий тажрибасида синовдан ўтказган зот йўқдир. Бугунги кун мустақиллик руҳи, тинчва осайишта ҳаёт, бунёдкорлик улардаги ҳаётга бўлган интилишни, завқланишни, шукроналик ҳиссини янада оширмоқда.

Биз барча урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳаётийлигини айнан кексаларимиз ибратидан намуна қилиб оламиз. Миллий байрамларимиз, маросимларимиз, тадбирларимиз уларнинг иштироки билан мазмунли ва улуғвордир. Ҳалқимизга хос миллий фазилатларимиз, уларни ўзлигимизга сингдириш, уларга амал қилиш қонун-қоидаларини биз

¹ Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи “Халқ сўзи” газетаси, 2015 й., 11- апрел.

қарияларимиз амалий фаолиятдан, насихатларидан уқиб оламиз. Оддий салом-аликни олинг. Кексаларимиз уқтиришадики, аввало салом қалбан самимий бўлмоғи лозим. Чунки ушбу фазилятда кўп пиру-хикмат бор. Саломлашган чоғда бир-бирингизга эътиборли бўлинг, юзингиз-юзингизга, кўзингиз-кўзингизга тушсин. Шу тариқа бир-бирингизнинг чехрангиздаги нур ва самимийликни ҳис этасиз, кўтаринкилик оласиз.

Тилимиз софлиги ва тиниқлиги кексаларимиз муомала маданиятидан намуна сифатида бизга ўтади. Диний, эътиқодимиз бутлиги, диний маърифат бизга кексаларимиз меросидир. Оиламиз бутлиги, мустаҳкамлиги ва аҳиллиги борасида кексаларимизнинг роли, хизматлари ва фидойилиги бекиёсдир. Миллий байрамларимизда айнан қарияларимиз раҳнамолигида миллий ва диний бағрикенглик фазилятларимизни намоён қилмоқдамиз.

Ёш оиланинг ташкил этилиши, ёки янги инсоннинг дунёга келиши билан боғлиқ удумларимизда улуғларимиз ҳамиша бош-қошдир. Худди шундай, илм-маърифат борасида кексаларимиз бизга йўлчи юлдузидир. Уларнинг оқилона ўғитлари ила биз илм зиёсига интиламиз, маърифатга юз тугамиз.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, кексаларимиз миллат таянчи, халқ эътиқоди кўзгусидир. Биз бугун қўлимизда маҳкам тутган мустақиллик байроғи уларнинг матонат ва жасорати, иродаси, сермашаккат ва фидокорона меҳнати ифодасидир. 2015 йилга “Кексаларни эъзозлаш йили” деб ном беришни таклиф қилар экан, Президентимиз алоҳида урғу бериб таъкидлаб ўтдиларки, “... бугун турли соҳаларда эришяётган ютуқларимизда оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим.”² Президент Ислам Каримовнинг ушбу эътирофи барчамизнинг олдимизга улкан масъулиятни қўяди.

Ҳолбуки, бугунги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди.

Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табарруқ қариялар яшамокда. Улар орасида 3 минг 109 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафари эса фронт ортида меҳнат қилган инсонлардир.

² “Халқ сўзи” газетаси, 2014 й. 6 - декабр

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, биз билан ёнма-ён, ҳамнафас бўлиб барча бунёдкорлик ишларимизга бош-қош, ибрат бўлаётган кексаларимизни эъзозлаш, уларнинг кадрига етиш-инсоний фазилатимиз, фарзу қарзимиздир. Ана шу масъулиятни тўғри англаб, фарзандлик бурчимизни адо эта олсак, билингки, ҳеч қачон на “Қариялар уйи”га ва ёки “Меҳрибонлик уйлари”га эҳтиёж қолмайди.

Кексаларимиздан бизга мерос бўлиб ўтаётган азалий миллий – маънавий қадриятларнинг муносиб ворислари сифатида биз оталаримиздан, табаррук оналаримиздан олиб, ўзлигимизга жо қилаётган миллий фазилатларимиз билан Ватан равнақи, юрт тинчлиги йўлида фидойиликка азму-қарор қилганмиз.